

“Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ”
МЧЖ Ягона таъсисчисининг
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ №2

26 июн 2023 йил.

Самарқанд шаҳри
Камол Отатурк кўчаси, 21-уй

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 37-моддасига асосан қабул қилинди:

Йиғилиш раиси:

А.Саттаров;

Йиғилиш котиби:

Ф.Суванкулов.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ” МЧЖ ижро этувчи органининг 2022 йил якуни бўйича бизнес режа параметрларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш;

2. “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ” МЧЖнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик баланс ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;

3. 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг миллий аудит стандарти талаблари асосида ўтказган текширув натижаси юзасидан берган хулосаларини ва текшириш ҳисоботини тасдиқлаш;

4. 2022 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш ҳамда дивиденд ҳисоблаш;

5. Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 6 июндаги 03/09-3-17/2562-сонли топшириғи муҳокамаси;

6. Жамиятнинг 2023 йил учун ижроия органи раҳбари билан амалдаги меҳнат шартномасини узайтириш ёки тўхтатиш масаласини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” МЧЖнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланганлигини маълум қилди.

жами даромад 2 029 258,0 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (2 032 121,0 минг сўм) нисбатан 2 863 минг сўмга (0,1 фоиз) камайган бўлсада, белгиланган (2 858 600,0 минг сўм) режа 70,9 фоизга бажарилган;

- **соф тушум** 2 026 186,0 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (1 646 162,0 минг сўм) нисбатан 380 024,0 минг сўмга (23,0 фоиз) кўпайган бўлсада, белгиланган (2 375 000,0 минг сўм) режа 85,3 фоизга бажарилган;

- **маҳсулот (хизматлар) таннархи** 303 335,0 минг сўмни ташкил этган ёки таннархнинг соф тушумдаги улуши 14,9 фоизни ташкил этган, бунда таннарх ўтган йилнинг мос даврига (19,1 фоиз) нисбатан ўртача 4,1 фоизга камайган;

- давр харажатлари 1 534 377,0 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (2 010 336,0 минг сўм) нисбатан 475 959,0 минг сўмга камайган, белгиланган (2 362 400,0 минг сўм) режа 64,9 фоизни ташкил этган;

- соф фойда 87 684,0 минг сўмни ташкил этган;

- дебиторлик 90 771,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (136 722,0 минг сўм) нисбатан 45 951,0 минг сўмга (33,6 фоизга) камайган;

- жами мажбуриятлар 91 213,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (224 066,0 минг сўм) нисбатан 132 853,0 минг сўмга (59,2 фоизга) камайган.

- жорий кредиторлик қарздорликлари 109 641,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (237 523,0 минг сўм) нисбатан 127 882,0 минг сўмга (53,8 фоизга) камайган.

“Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамияти ижро органининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботини “Қониқарли” деб тасдиқлаш юзасидан таклиф киритилди.

Кун тартибидаги 1-масала бўйича берилган таклиф жамият ягона таъсисчиси томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботида баланс суммаси 188 217,0 минг сўмни ташкил қилганлигини, шундан:

Актив

- узоқ муддатли активлар 26 182,0 минг сўм;

- жорий активлар 162 035,0 минг сўм;

Пассив

- ўз маблағлари манбалари 97 004,0 минг сўм;

- мажбуриятлар 91 213,0 минг сўмни ташкил қилган.

2022 йил молиявий натижалар бўйича жамиятда 2 026 186,0 минг сўмлик товар айланмаси бўлиб, шундан кўрсатилган хизматлар таннархи 303 335,0 минг сўмни ташкил қилди ва 1 722 851,0 минг сўм ялпи даромад олинди. Давр харажатлари 1 577 621,0 минг сўмни ташкил қилди.

Асосий фаолиятнинг фойдаси 149 002,0 минг сўмни ташкил қилди. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси ва фойда солиғини тўлагунга қадар фойда 149 002,0 минг сўмни ташкил қилди, шундан солиқлар 29 985,0 минг сўм ҳисобланиб, ҳисобот даврида соф фойда 119 017,0 минг сўмни ташкил қилган.

“Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил якуни бўйича йиллик баланс ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш юзасидан таклиф киритилди.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича берилган таклиф жамият ягона таъсисчиси томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январгача бўлган даврида молиявий хўжалик фаолиятининг миллий аудит стандарти талаблари асосида “KOMIL ISHONCH” МЧЖ аудиторлик

ташкilotининг ўтказган текшируви натижалари юзасидан берган хулосаси ва текшириш ҳисоботини тасдиқлаш юзасидан таклиф киритилди.

Кун тартибидаги 3-масала бўйича берилган таклиф жамият ягона таъсисчиси томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси талабларига мувофиқ давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши лозимлигини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармонида асосан Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси ҳамда Давлатив агентлиги билан биргаликда устав фондидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши белгиланган.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 31 майдаги топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 мартдаги “Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 195-сон қарори билан тасдиқланган Низом тавсияларини инобатга олган ҳолда Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши ва жамиятнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридаги ажратмаларни Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилиши лозимлиги белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича олинган **119 017,0 минг сўм** соф фойдасини қуйидагича:

15 фоизини яъни, 17 852,5 сўми захира фондида;

50 фоизини яъни, 59 508,0 минг сўми дивидендга;

10 фоизини яъни, 11 901,7 минг сўмини Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига;

25 фоизини яъни, 29 754,25 минг сўмини корхонани ривожлантиришга тақсимлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидаги 4-масала бўйича берилган таклиф жамият ягона таъсисчиси томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Саттаров сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 6 июндаги 03/09-3-17/2562-сонли топшириғига асосан жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш масаласи юзасидан маърузаси тингланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги, “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлиги тўғрисида таклиф киритди.

Кун тартибидаги 5-масала бўйича берилган таклиф жамият ягона таъсисчиси томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Саттаров сўзга чиқиб, “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари қониқарли даражада бажарилганлигини инобатга олиб, жамият ижроия органи раҳбари, А.Анваров билан тузилган меҳнат шартномасини келгусида жамият фаолиятини яхшилаш ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажариш шarti билан, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 39-моддаси талаблари асосида бир йилга узайтириш тўғрисида таклиф киритди.

Кун тартибидаги 6-масала бўйича берилган таклиф жамият ягона таъсисчиси томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги барча масалалар атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ” масъулияти чекланган жамиятининг ягона иштирокчиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамияти ижро этувчи органининг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда ижроия органи ҳисобот қониқарли деб топилсин.

2. “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил якуни бўйича йиллик баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

3. 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилоти “Komil ishonch” масъулияти чекланган жамиятининг миллий аудит стандарти талаблари асосида ўтказган текширув натижаси юзасидан берган хулосаси ва текшириш ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонунидан келиб чиқиб, “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ” масъулияти чекланган жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича олинган олинган **119 017,0 минг сўм** соф фойдасини қуйидагича:

15 фоизини яъни, 17 852,5 сўми захира фондига;

50 фоизини яъни, 59 508,0 минг сўми дивидендга;

10 фоизини яъни, 11 901,7 минг сўмини Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига;

25 фоизини яъни, 29 754,25 минг сўмини корхонани ривожлантиришга тақисимлансин.

5. Жамият ижроия органи раҳбари, А.Анваровга **ўн кун муддатда:**

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги, “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПК-101-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, жамият таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилилган ҳолда тасдиқлаш учун Ягона таъсисчисига киритиш;

- мазкур баённомани Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Давлат мулки” ахборот тизимида жойлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари қониқарли даражада бажарилганлигини инобатга олиб, жамият ижроия органи раҳбари, А.Анваров билан тузилган меҳнат шартномасини келгусида жамият фаолиятини яхшилаш ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажариш шarti билан, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 39-моддаси талаблари асосида бир йилга узайтирилсин.

Умумий йиғилиш раиси



А.Саттаров

Йиғилиш котиби



Ф.Суванкулов